

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

№ ВМ – 343 – 5А340801 – 2.01

“1” ИЮЛЬ 2003 й.

“ТАСДИҚЛАНДИ”  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги

---

“8” ИЮЛЬ 2003 й.

## БЮДЖЕТ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ фанидан ДАСТУР

**Олий таълимнинг 340000 – “Бизнес ва бошқарув” таълим  
соҳасидаги 5А340603 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”  
магистратура мутахассислиги учун**

**Ташкент – 2003**

**Тузувчилар:** проф. Хасанов Б.А.  
доц. Махмудов А.Н.  
**Такризчилар:** проф. Каримов А.  
доц. Усанов А.

«Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи» фани дастури Давлат Таълим Стандарти асосида тузилган бўлиб, Олий таълимнинг **5A340902 «Аудит» (иктисодиёт тармоқлари)** мутахассислигидан магистрларни тайёрлаш учун мўлжалланган.

Дастурда маъруза ва амалий машғулотлар мавзулари, инновацион технологияларни қўллаш имкониятлари, тавсия этилаётган мавзулар бўйича кўргазма-намойиш материаллари, ўқув фильмлари, рейтинг асосида баҳолаш мезонлари ҳамда адабиётлар рўйхати ўз ифодасини топган.

Программа по предмету «Бюджетный учет и отчетность» составлена на основе Государственного образовательного стандарта высшего образования для подготовки магистров по специальности **5A340902 «Аудит» (по отраслям экономики)**.

В программе содержатся темы лекционных и практических занятий, возможности использования компьютерных и информационных технологий, учебных фильмов, список используемой литературы и критерии оценок по рейтинговой системе.

Budgetary accounting and reporting disciplines program is worked out in accordance with state Educational system of Higher Education for masters. Preparation in "Auditing" major 5A340902 (economic branches).

The program contains the lecture and seminar topics computer skills and information technologies teaching video tapes, the list of literature for usage evaluation teaching on rating system.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## 1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 август 343-сонли қарорига мувофиқ Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилган. Мазкур стандартлар бўйича ҳар бир ўқитиладиган фанлардан дастурлар тайёрлаш зарурияти туғилди. «Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи» фани бўйича ушбу дастур қўйилган барча талаблар асосида тузилган бўлиб, «Аудит» мутахассислиги магистрантлари учун мўлжалланган.

### Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси ўз бюджетига эгадир. У Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджети ва маҳаллий бюджетдан иборат. «Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи» фанини ўқитишнинг мақсади - келгусида юқори малакали иқтисодчи мутахассислар бўлиб етишадиган магистрлар учун ҳозирги замон талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисоби ва ҳисоботи ҳақида назарий билимлар бериш, уларда давлатнинг бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилишдан иборат. Шунингдек, мамлакатимизда бозор механизмини шакллантиришдан ва иқтисодиётимизни самарали бошқаришни ташкил қилишдан иборатдир.

Магистрантлар бу фанни ўрганишлари натижасида қуйидаги вазифаларни бажаришлари талаб қилинади:

- бюджет муассасаларида ва ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари ва тамойиллари;
- бухгалтерия ҳисоби, молиялаштириш, пул маблағлари бўйича ҳисоблашишлар ва кредит муомалалари, меҳнат ва иш ҳақи, асосий воситалар, моддий қийматликлар ва молиявий натижалар соҳасидаги назарий масалаларни ўзлаштиришлари лозим.

«Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи» фани магистрантларга зарур бўлган билимларни шакллантиришда тасдиқланган ўқув дастурийнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ўқув дастурига мувофиқ магистрантлар «Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи» фанини чуқур ўрганадилар. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида муассасаларда бюджет ҳисобини халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиш ва юриштириш ўрганиш асосий вазифа қилиб қўйилади. Магистрантлар бу фанни ўрганишда Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат бюджети ва касса ижросининг банк муассасаларидаги ҳисобини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асос қилиб олинади. Шунингдек, фанни ўрганишда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарор ва қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ҳамда иқтисодий адабиётлардан кенг фойдаланилади.

### **Фан бўйича магистрантларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

Мазкур йўналишда ўқийдиган магистрантлар «Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи» фани бўйича чуқур билим олиши ва етук мутахассис бўлиб етишишлари учун улар олдида қуйидаги талаблар қўйилади:

- ҳозирги замон тараққиётида бюджет ҳисоби ва ҳисоботининг аҳамияти ва ўрнини асослай олиш;
- бюджет ҳисоби фани иқтисодиётни ўрганишнинг асосий мезони эканлигини тасдиқлай олиш;
- иқтисодиётнинг турли соҳаларини самарали бошқарувида бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асос бўлиб хизмат қилишига ишонч ҳосил қилиш;
- ҳуқуқий давлат демократик фуқаролик жамиятининг тингловчилари, айниқса, бухгалтер ва аудитор мутахассислигини эгалловчи тингловчилари ҳуқуқшунослик фанларини чуқур эгаллаган бўлишлари;
- молиявий натижалар бўйича ўзларининг хулоса ва таклифларини келтира олиш;
- иқтисодий сиёсатни шакллантиришда бюджет ҳисоби муҳим бўғин эканлиги исботлай олиш;
- бюджет муассасаларида бухгалтерия ҳисоби давлат бюджети ижросининг ажралмас қисми эканлигини асослай билиш.

Ўқитиш жараёнида назарий ва амалий билимларнинг узвийлигига эришиш, тингловчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишларини тобора орттириб, улар учун имкон қадар мустақил билим олишига шароит яратиб бериш лозим.

Магистрантларга фанни замонвий усулда ўргатиш ва уларнинг билимини ҳолисона баҳолаш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- магистрантларни аввалдан тарқатма ўқув материаллари билан таъминлаш;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига кўчириш;
- магистрантларнинг ўз билимларини таянч иборалар асосида мустақил баҳолашини жорий қилиш;
- амалий машғулотларда бюджет муассасаларидаги юритилаётган бухгалтерия ҳисоби бўйича иш ўйинларини. Баҳс-мунозараларни ташкил қилиш;
- иқтидорли магистрантлар билан қўшимча дарсларни ташкил этиш ва ҳ. к.

**«Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи»** фанини ўрганувчи магистрантлар аудиторияда олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш учун мустақил тизимга асосланиб, кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида ўқув режасига мувофиқ мустақил таълим оладилар. Мустақил таълим олишдан асосий мақсад назарий билимларнинг амалий жиҳатдан (тестлар, рефератлар) мустаҳкамлашдир. Мустақил таълим мавзулари ва топшириқлари профессор-ўқитувчилар томонидан тавсия қилинади.

### **Мазкур фаннинг ўқув режасидаги билан ўзаро алоқадорлиги**

Фанни мукамал ўрганишда қуйидаги фанлар бўйича кенг билимга эга бўлиш тақозо этилади: «Халқаро аудит тизими», «Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизми», «Инвестициялар аудити ва баҳолаш», «Бошқа тармоқларда аудитнинг хусусиятлари», «Молия математикаси», «Давлат солиқлари ва йиғимлари», «Бошқарув ҳисоби-2», «Молиявий таҳлил-2», «Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисоби», «Молиявий ҳисоб-2», «Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими», «Давлат молиясини бошқариш» ва бошқа фанлар.

### **Фанни ўқитишда янги технологиялардан фойдаланиш**

Магистрантларга замонавий усулда "Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи" фанини ўргатиш ва уларнинг билимини баҳолашда қуйидагилардан фойдаланилади:

- магистрантларни аввалдан таркатма ўқув материаллари билан таъминлаш;
- таянч ибораларни ишлаб чиқишда уларнинг магистрантлар томонидан мукамал ўзлаштирилишига эришиш;
- амалий машғулотларда ҳар бир тармоқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда иш ўйинларини ўтказиш;
- иқтидорли магистрантлар билан кўшимча дарслар ташкил этиш;
- магистрантлар билимларини ўзлари баҳолашлари ва мустақил ишлашлари учун шароит яратиб бериш;
- магистрантларга «1С:Бухгалтерия», «Турбо-Бухгалтерия» ва бошқа дастурлар билан ишлаш бўйича кўникмалар ҳосил қилиш.

### **Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар**

«Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи» фани иккинчи семестрда ўқитилиб, унда бюджет ҳисоби ва ҳисоботи ҳақида тушунчалар ҳамда қоидалар ўргатилади. Фан маъруза ва амалий машғулотлар шаклида аудиторияда ўрганилади. Магистрантларнинг аудиторияда олган назарий билимлари уй вазифалари билан мустаҳкамланади. Уларнинг олган билимлари даражасини назорат қилишда тест-синов усуллари қўлланилади. Ўқув жараёни рейтинг тизими асосида ташкил қилинади.

### **Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича соатлар ҳажми**

Олий касб таълимининг Давлат таълим стандартида «Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи» фанига жами 120, шундан, маъруза - 40, амалий машғулот - 40 мустақил таълимга 40 соат ажратилган.

Ўқув жараёнида магистрантлар билимини баҳолаш учун икки мартадан жорий, ва оралик ва бир марта якуний баҳолаш ўтказилади.

## 2. ФАН ДАСТУРИ

### Маъруза машғулотларининг мавзулари

#### Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи фанининг предмети ва методи

«Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи» фани иқтисодий ҳисобининг таркибий қисми сифатида. Бюджет ҳисобининг предмети ва методи. Бозор иқтисодиётига ўтишда бухгалтерия ҳисоби объектларининг иқтисодий мазмуни. *Бухгалтерия ҳисобининг бюджет ижроси соҳасидаги роли ва вазифалари.*

Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи. Давлат бюджетининг бухгалтерия ҳисоби. Бюджет ҳисобининг бошқа махсус фанлар билан ўзаро алоқаси. «Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи» фанини ўрганишни ташкилий ва методик жиҳатдан такомиллаштириш.

#### Ўзбекистон Республикасида бюджет ҳисоби ва ҳисоботини ташкил қилиш

Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети ижросини амалга оширувчи органлар. Ҳисобланган ва кассага кирим қилинган даромадлар. Кассага кирим қилинган ва ҳақиқатда сарфланган маблағлар.

*Бюджет даромадлари ва харажатларини тақсимлаш.* Бюджет ҳисобини такомиллаштириш ва автоматлаштириш. *Молиявий ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизимининг вазифалари ва тайинланиши.*

#### Давлат бюджети даромадлари ва пул маблағларининг ҳисоби

Пул маблағлари ва бюджет даромадларини ҳисобга олишда бухгалтерия ҳисобининг вазифалари.

Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда маҳаллий бюджет пул маблағларини ҳисобга олиш учун тайинланган ҳисоблар. Йўлдаги пул маблағлар. Пул маблағларининг аналитик ҳисоби. Мақсадли молиялаштиришга йўналтирилган пул маблағларидан фойдаланиш.

*Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети даромадлари ҳисоби.* Корхона ва ташкилотлар билан бюджетли тўловлар бўйича ҳисоблашишларнинг бухгалтерия ҳисоби. Алоҳида бюджетлар ўртасида бюджет даромадларини тақсимлаш. *Ноаниқ тушумлар ва уларни ҳисобга олиш.* Даромадларнинг аналитик ҳисоби

#### Бюджет кредитлари (ассигнациялар), молиялаштириш ва харажатлар ҳисоби

*Бюджет кредитлари (ассигнациялар) ҳақида тушунча.* Кредит тақсимловчилар, уларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари. Бюджетлар молиялаштириш усуллари: очилган кредитлар, кредит тақсимловчиларнинг жорий ҳисобларига пул маблағларини кўчириш.

Республика Марказий банки ва бошқа банклар орқали давлат бюджети маблағларини очилган кредитлар усули билан харажатга чиқариш тартиби. Очилган кредитлар бўйича муомалаларни амалга ошириш учун тайинланган ҳужжатлар. *Очилган кредитларнинг бухгалтерлик ҳисоби.*

Маҳаллий молия органлари томонидан уларнинг қарамоғидан кредит тақсимловчиларнинг жорий ҳисобларига маҳаллий молия органлари томонидан ўтказиб берилган пул маблағларининг ҳисоби.

*Маҳаллий молия органлари томонидан капитал қўйилмаларни ва инвестицияларни молиялаштириш учун банк муассасаларига пул ўтказиш тартиби.* Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг ҳисоби. Бюджет харажатлари ҳисобининг вазифалари.

Бош кредит тақсимловчилар томонидан қилинган харажатларнинг ҳисоби. Банк муассасалари орқали давлат бюджетидан молиялаштириладиган капитал қўйилмалар ва бошқа тадбирлар учун қилинган харажатларнинг ҳисоби.

Бевосита молия органлари томонидан амалга оширилган бюджетнинг касса харажатларини ҳисобга олиш.

Кредитлар (ассигаациялар), пул маблағлари ва бюджет харажатларининг касса ижросининг аналитик ҳисоби.

Бюджетлар ўртасида ҳисоблашишлар, бюджет ссудалари, фондлар ва бюджет ижроси бўйича натижалар ҳисоби

Бюджет тузиш ва тасдиқлаш жараёнида бюджетлар ўртасида содир бўладиган ҳисоблашишларнинг ҳисоби.

Берилган ва олинган маблағлар бўйича давлат бюджети ижроси даврида юзага келадиган ўзаро ҳисоблашишларнинг ҳисоби. Берилган ва олинган маблағлар бўйича ҳамда ўзаро ҳисоблашишлар ҳисоби учун тайинланган ҳисоблар. Бюджетнинг қисқа муддатли ссудаларини олиш ва қайтарилишининг синтетик ва аналитик ҳисоби.

*Мақсадли бюджет резервини ташкил қилиш, ундан фойдаланиш ва уни ҳисобга олиш тартиби.* Мақсадли фондлар ва маблағлар ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби. Бу маблағлар ва фондлар аналитик ва синтетик ҳисобини юритиш. *Давлат бюджети ижроси натижаларини аниқлаш* - давлат бюджети ижроси бўйича ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузишда муҳим вазифадир.

Йил охирида бюджет ижроси бўйича жорий ҳисоб рақамларини ёпиш. Бюджет ижроси натижаларини акс эттириш учун мўлжалланган ҳисоблар.

Йил якунида ҳисобларни ёпиш бўйича қилинадиган бухгалтерия ёзувлари ва уларни ҳисоб регистрларида акс эттириш. Бюджет бўйича якуний баланс тузиш.

### **Бюджет муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва унинг вазифалари**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва унинг вазифалари. Бюджет муассасалари ишининг сифати ва самарадорлигини оширишда бухгалтерия ҳисобининг аҳамияти.

Бюджет ҳисоби ва ҳисоботини марказлаштириш ва автоматлаштириш. *Бюджет муассасаларида фаолият кўрсатувчи бош бухгалтерларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари.* Марказлаштирилган ва мустақил ҳолда бухгалтерия ҳисобини юритувчи ташкилотларда ишларни ташкил қилиш.

Марказлаштирилган бухгалтериялар, хизмат кўрсатадиган бюджет муассасалари раҳбарларининг ҳуқуқлари, бурчлари ва жавобгарликлари.

Бюджет муассасаларида юритиладиган бухгалтерия ҳисобининг шакллари. Муассаса харажатлари сметаси ижроси ҳисоби бўйича фойдаланиладиган бухгалтерия ҳужжатлари, уларнинг тайинланиши, расмийлаштириш техникаси ва тартиби.

Мемориал - ордерлар, йиғма қайдномалар ҳақида тушунча уларнинг тайинланиши ва юритиш тартиби. Синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари ва уларга ёзувлар қилиш тартиби. *Бюджет муассасасининг бухгалтерия баланси ва унинг тартиби.* Йиғма қайдномаларни юритиш тартиби. Синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари. Ҳисоб регистрлари ва уларга ёзувлар қилиш тартиби. Дастлабки ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисоби регистрларини сақлаш тартиби.

### **Бюджет муассасаларида пул маблағлари ҳисоби ва уни ташкил қилиш**

Республика бюджети қарамоғидаги бюджет муассасаларида кредитларни ҳужжатли расмийлаштириш ва ҳисобга олиш.

Кредит тақсимловчи бош муассасанинг ва унга қарашли бўлган ташкилотларнинг балансидаги очилган ҳисоблари кредитларнинг ҳисоб - китоблари. Очилган

кредитларнинг аналитик ҳисоб - китоблари. Республика ва маҳаллий бюджетга қарашли бўлган муассасаларда пул маблағлари ва кредитлар (ассигнациялар) ҳисобини ташкил қилиш. Марказлашган бухгалтерияларда пул маблағлари, бюджет кредитлари ҳисобини ташкил қилиш. Кассадаги ва ҳақиқатда сарфланган маблағларнинг ҳисоби. Муассасалар ва уларни асраш билан ҳақиқий харажатлар ва уларнинг ҳисоби учун қўлланиладиган ҳисоблар. Ҳақиқий харажатларнинг аналитик ҳисоби. Бош ва қуйи кредит тақсимловчилар.

*Пул маблағлари ҳисобининг банклардаги жорий ҳисоблари.* Касса муомалаларининг ҳисобини ташкил қилиш. Касса муомалаларини олиб бориш тўғрисидаги Низом. Касса муомалаларини ҳужжатлаштириш. Кассани тафтиш қилиш. Касса харажатлари ҳисоби бўйича қўлланиладиган ҳисоблар. Бошқа пул маблағларининг аналитик ҳисоби ва уларга тавсиф бериш. Мустақил иш юритувчи марказлаштирилган бухгалтерияда ва муассасаларда касса харажатларининг аналитик ҳисоби ва ҳисобни сақлаш билан боғлиқ бўлган ҳақиқий харажатлар.

### **Асосий воситалар ва материаллар ҳисоби**

*Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги (1996 йил 30 август) Қонуни ва 5-БҲМС дан келиб чиқадиган асосий воситалар ҳисоби олдидан турган вазифалар.* Бюджет муассасаларидаги асосий воситаларнинг хусусиятлари.

Асосий воситаларнинг аналитик ҳисоби. Асосий воситаларнинг эскириш ҳисоби. Бюджет муассасаларида материал қийматликларнинг таркиби, тайинланиши ва ҳисобининг вазифалари. Материал қийматликларни қабул қилиш, бериш ва харажатга чиқариш бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар. Материал қийматликларини қайд этувчи ҳисоблар. Ҳисоб ва ҳисобот жараёнида қўлланиладиган аналитик ҳисоб регистрлари ва уларни қайта ишлаш.

### **Ҳисоблашишларнинг бухгалтерия ҳисоби, инвентаризация ва счётларни йил охирида ёпиш, бюджетдан ташқари тушумлар ҳисоби**

Бюджет ташкилотларида меҳнат ва иш ҳақи. Меҳнат ва иш ҳақини ҳисоблашда қўлланиладиган дастлабки ахборотлар. Ишчи ва хизматчилар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишларнинг бухгалтерия ҳисоби. Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби. Иш ҳақи фонди ва уни ишлатилиши назорати. Аспирантлар, тингловчилар ва ўқувчилар стипендиялари бўйича ҳисоблашишлар ҳисоби. Ҳар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишлар ҳисоби. Депонентлар билан ҳисоб-китобларнинг махсус тўловлар турлари бўйича ҳисоблашишлар ҳисоби. Мактаб ёшигача бўлган муассасалар ҳисобининг хусусиятлари. Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоблашларнинг ҳисоби. Ижтимоий суғурта органлари билан ҳисоблашишлар тартиби. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашишлар ҳисоби. *Махсус маблағлар, топшириқномалар бўйича нарх ва депозит суммалари бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳисоби.* Бюджет ташкилотлари қошидаги ишлаб чиқариш устахоналари, ўқув тажриба хўжаликлари ва ёрдамчи қишлоқ хўжаликларида уставга тегишли бўлмаган муомалалар ҳисоби.

### **Маҳаллий бюджет ижроси бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш**

Қишлоқ, посёлка ва шаҳар кенгашларида бюджет ижросининг марказлашган ҳисоби. Жорий счётлар ҳисоблари режаси. Унинг низоми ва марказий бухгалтерияда қўлланилиши. Пул маблағлари ҳисоби, молиялаштириш ва касса муомалалари. Нақд пулларни кассага қирим қилиш тартиби ва уларни ҳужжатларда расмийлаштириш.

Маҳаллий бюджет ва муассаса харажатлар тизими ижроси бўйича харажатлар, даромадлар ҳисоби ва бошқа муомалалар. Махсус маблағлар бўйича ҳисоб муомалалари. Қабул қилиш тартиби,

харажатлар ва ўз маблағлари ҳисобига қопланадиган маблағлар ҳисоби. *Бюджет бўйича ҳисобот ва ўз-ўзини қоплаш маблағлари*. Бошланғич ва йиллик ҳисоботни тузиш, тасдиқлаш ва тақдим қилиш тартиби.

### **Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети касса ижросининг банк муассасаларидаги ҳисоби**

Давлат бюджети касса ижросининг ҳисобини ташкил этиш ва унинг вазифалари. Давлат бюджети касса ижросининг банк муассасаларидаги ҳисобини юритишда қўлланиладиган баланс ҳисоблар. Бюджет кредитларини ҳисобга олиш учун қўлланиладиган балансдан ташқари ҳисоблар. Даромадларни қабул қилиш ва ҳисобга олиш бўйича муомалалар. Бюджет даромадлари бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби. *Бюджетлар ўртасида даромадларни тақсимлаш ва ҳисобга олиш тартиби*. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва маҳаллий бюджетлар ўртасида даромадларни тақсимлаш. Республика бюджети, вилоятлар ва маҳаллий бюджетлар харажатлари ҳисоби.

Маҳаллий бюджет маблағларининг ҳисоби. Кредитлар ва касса харажатларининг аналитик ҳисоби. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича муомалалар, депозит суммалар ҳисоби. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг давлат бюджети касса ижроси бўйича ҳисоботи. Ҳисоботнинг турлари унинг мазмуни даврийлиги ва аҳамияти. Банк муассасаларида капитал қўйилмалар ва бошқа тадбирлар бўйича муомалалар ҳисоби. Капитал қўйилмаларни молиялаштириш бўйича банкларда тузиладиган ҳисобот.

### **Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ва бюджет муассасаларининг смета харажатлари ижросининг ҳисоботи**

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ижроси бўйича ҳисоботнинг вазифалари ва аҳамияти. Ҳукуматимиз қарорларига мувофиқ ҳисоботнинг ролини ошириш тадбирлари. Давлат бюджети ижроси ҳақида молия органларида тузиладиган ҳисобот. *Ҳисоботларнинг мазмуни, тузиши, даврий ва йиллик ҳисоботни тақдим қилиш тартиби*. Бюджет ижроси ҳақида тузилган йиллик ҳисоботларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби.

## **3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ**

### **Бюджет ҳисоби, унинг предмети ва методи**

Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи курси ягона халқ хўжалиги ҳисобининг таркибий қисми сифатида. Бюджет ҳисобининг предмети ва методи. Бозор иқтисодиётига ўтишда бухгалтерия ҳисоби объектларининг иқтисодий мазмуни. Бухгалтерия ҳисобининг бюджет ижроси соҳасидаги роли ва функциялари\*.

Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи. Бюджет ҳисобининг бошқа махсус фанлар билан алоқаси. Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи курсининг ташкилий ва методик жиҳати, уни такомиллаштириш истиқболлари.

### **Ўзбекистон Республикасида бюджет ҳисоби ва ҳисоботи**

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг асосий принциплари. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижросини амалга оширишда иштирок этувчи органлар. Ҳисобланган ва кассага кирим қилинган даромадлар\*. Кассага кирим қилинган ва ҳақиқатда сарфланган маблағлар.

Бюджет даромадлари ва харажатларининг тақсими.

Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари асосида бюджет ҳисобини такомиллаштириш ва автоматлаштириш. Молиявий ҳисоб-китобларни автоматлаштирилган тизимининг вазифалари ва тайинланиши.





## **Давлат бюджети даромадлари ва пул маблағларининг ҳисоби**

Пул маблағлари ва бюджет даромадларини ҳисобга олишда бухгалтерия ҳисобининг вазифалари. Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда маҳаллий бюджет пул маблағлари ҳисобга олиш учун тайинланган ҳисоблар. Йўлдаги пул маблағлари. Пул маблағларининг аналитик ҳисоби. Мақсадли молиялаштиришга йўналтирилган пул маблағларидан фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг ҳисоби\*. Корхона ва ташкилотлар билан бюджетли тўловлар бўйича ҳисоблашишларнинг бухгалтерия ҳисоби. Алоҳида бюджетлар ўртасида бюджет даромадларини тақсимлаш. Ноаниқ тушумлар ва уларни ҳисобга олиш. Даромадларнинг аналитик ҳисоби бўйича масалалар ечилади.

### **Бюджет кредитлари (ассигнациялар)ни молиялаштириш ва харажатлар ҳисоби**

Бюджет кредитлари (ассигнациялар) ҳақида тушунча. Кредит тақсимловчилар, уларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари. Бюджетлар, молиялаштириш усуллари: очилган кредитлар, кредит тақсимловчиларнинг жорий ҳисобларига пул маблағларини кўчириш.

Республика Марказий банки ва бошқа банклари орқали давлат бюджети маблағларини очилган кредитлар усули билан харажатга чиқариш тартиби. Очилган кредитлар бўйича муомалаларини амалга ошириш учун тайинланган ҳужжатлар\*.

Очилган кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби.

Маҳаллий молия органлари томонидан уларнинг қарамогидан кредит тақсимловчиларининг жорий ҳисобларига маҳаллий молия органлари томонидан ўтказиб берилган пул маблағларининг ҳисоби.

Маҳаллий молия органлари томонидан капитал қўйилмаларни ва инвестицияларни молиялаштириш учун банк муассасаларига пул ўтказиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг ҳисоби. Президентимиз фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва ҳукуватимиз қарорларидан келиб чиқадиган бюджет харажатлари ҳисобининг вазифалари.

Бош кредит тақсимловчилар томонидан қилинган харажатларининг ҳисоби. Банк муассасалари орқали давлат бюджетидан молиялаштириладиган капитал қўйилмалар ва бошқа тадбирлар учун қилинган харажатларнинг ҳисоби\*.

Бевосита молия органлари томонидан амалга оширилган бюджетнинг касса харажатларини ҳисобга олиш.

Кредитлар (ассигнациялар) пул маблағлари ва бошқа бюджет харажатларининг касса ижросини аналитик ҳисоби бўйича масалалар ечилади.

### **Бюджетлараро ҳисоблашишлар, бюджет ссудалари, фондлар ва бюджет ижроси бўйича натижалар ҳисоби**

Бюджет тузиш ва тасдиқлаш жараёнида бюджетлар ўртасида содир бўладиган ҳисоблашишларнинг ҳисоби.

Берилган ва олинган маблағлар бўйича давлат бюджети ижроси даврида юзага келадиган ўзаро ҳисоблашишлар ҳисоби. Берилган ва олинган маблағлар бўйича ҳамда ўзаро ҳисоблашишлар ҳисоби учун тайинланган счётлар. Бюджетнинг қисқа муддатли ссудаларини олиш ва қайтарилишининг синтетик ва аналитик ҳисоби. Мақсадли бюджет резервини ташкил қилиш, ундан фойдаланиш ва уни ҳисобга олиш тартиби\*. Мақсадли фондлар ва маблағлар ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби. Бу маблағлар ва фондлар аналитик ва синтетик ҳисобини юритиш давлат бюджети ижроси бўйича ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузишда муҳим вазифадир.

Йил охирида бюджет ижроси бўйича жорий ҳисоб рақамларини ёпиш. Бюджет ижроси натижаларини акс эттириш учун мўлжалланган ҳисоблар.

Йил якунида ҳисобларни ёпиш бўйича қилинадиган бухгалтерия ёзувларини ҳисоб регистрларида акс эттириш. Бюджет бўйича якуний баланс тузиш бўйича масалалар ечиш.

### **Бюджет муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш**

Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва унинг вазифалари. Бюджет муассасалари ишининг сифати ва самарадорлигини оширишда бухгалтерия ҳисобининг аҳамияти.

Бюджет ҳисоби ва ҳисоботини марказлаштириш ва автоматлаштириш\*. Бюджет муассасалари ва бухгалтерияларида фаолият кўрсатувчи бош бухгалтерларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари. Марказлаштирилган ва мустақил ҳолда бухгалтерия ҳисобини юритувчи ташкилотларда ишларни ташкил қилиш.

Марказлаштирилган бухгалтериялар, хизмат кўрсатадиган бюджет муассасалари раҳбарларининг ҳуқуқлари, бурчлари ва жавобгарликлари.

Бюджет муассасаларида юритиладиган бухгалтерия ҳисобининг шакллари. Муассаса харажатлар смета.си ижроси ҳисоби бўйича фойдаланиладиган бухгалтерия ҳужжатлари, уларнинг тайинланиши, расмийлаштириш техникаси ва тартиби.

Мемориал-ордерлар ва қайдномалар, уларнинг тайинланиши ва юритиш тартиби. Синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари ва уларга ёзувлар қилиш тартиби. Бюджет муассасасининг бухгалтерия баланси ва унинг тартиби. Уларга ёзувлар қилиш тартиби. Йиғма қайдномалар юритиш тартиби. Синтетик ва аналитик ҳисоб регистрлари. Ҳисоб регистрлари ва уларга ёзувлар қилиш тартиби. Бюджет муассасасининг бухгалтерия баланси ва унинг тартиби. Дастлабки ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисоби регистрларини сақлаш тартиби. Архив ишини ташкил қилиш бўйича семинар дарслар ўтказилади ва масалалар ечилади.

### **Бюджет муассасаларида пул маблағлари ҳисоби ва уни ташкил қилиш**

Республика бюджети қарамоғидаги бюджет муассасаларида кредитларни ҳужжатли расмийлаштириш ва ҳисобга олиш.

Кредит тақсимловчи бош муассасанинг ва унга қарашли бўлган ташкилотларнинг балансидаги очилган ҳисоблари, кредитларнинг ҳисоб - китоблари\*. Очилган кредитларнинг аналитик ҳисоб - китоблари. Республика ва маҳаллий бюджетга қарашли бўлган муассасаларда пул маблағлари ва (ассигнациялар) ҳисобини ташкил қилиш. Марказлашган бухгалтерияларда пул маблағлари, бюджет кредитларини ҳисобини ташкил қилиш. Кассадаги ва ҳақиқатда сарфланган маблағларнинг ҳисоби. Муассасалар ва уларни асраш билан ҳақиқий харажатлар ва уларнинг ҳисоби учун қўлланиладиган ҳисоблар. Ҳақиқий харажатларнинг аналитик ҳисоби. Бош ва қуйи кредит тақсимловчилар. Пул маблағлари ҳисобининг банклардаги жорий ҳисоблари. Касса муомалаларининг ҳисобини ташкил қилиш. Касса муомалаларини олиб бориш тўғрисидаги низом. Касса муомалаларини ҳужжатлаштириш. Кассани тафтиш қилиш. Касса харажатлари ҳисоби бўйича қўлланиладиган ҳисоблар. Бошқа пул маблағларининг аналитик ҳисоби ва уларга тавсиф бериш. Мустақил иш юритувчи марказлаштирилган бухгалтерияда ва муассасаларда касса харажатларининг аналитик ҳисоби ва ҳисобни сақлаш билан боғлиқ бўлган ҳақиқий харажатлар, унинг ҳисобида қўлланиладиган муассасалар ҳисобини сақлаш бўйича масалалар ечиш.

### **Асосий воситалар, материаллар, арзон ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби**

Бюджет муассасаларида асосий воситаларининг хусусиятлари. Асосий воситаларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби\*. Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби. Ҳисоб ва ҳисобот жараёнида қўлланиладиган аналитик ҳисоб регистрлари ва уларни ЭҲМ ларда қайта ишлаш бўйича масалалар ечиш.

## **Ҳисоблашишларнинг бухгалтерия ҳисоби, инвентаризация ва ҳисобларни йил охирида ёпиш, бюджетдан ташқари тушумлар ҳисоби**

Бюджет ташкилотларида меҳнат ва иш ҳақининг вазифалари. Меҳнат ва иш ҳақини ҳисоблашда қўлланиладиган дастлабки ахборотлар. Ишчи ва хизматчилар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашишларнинг бухгалтерия ҳисоби. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашишлар ҳисоби\*. Бюджет ташкилотлари қошидаги ишлаб чиқариш устахоналари, ўқув тажриба хўжаликлари ва ёрдамчи қишлоқ хўжаликларида уставга тегишли бўлмаган муомалалар ҳисобидан масалалар ечиш.

### **Маҳаллий бюджет ижроси ҳисобининг хусусиятлари**

Қишлоқ, посёлка ва шаҳар бюджети ижроси бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш.

Қишлоқ, посёлка ва шаҳар кенгашларида бюджет ижросининг марказлашган ҳисоби\*. Қишлоқ посёлка ва шаҳар депутатларидаги марказлашган бухгалтерия тўғрисидаги Низом. Жорий ҳисоб ҳисоблари режаси. Унинг низоми ва марказий бухгалтерияда қўлланилиши. Пул маблағлари ҳисоби, молиялаштириш ва касса муомалалари. Нақд пулларни кассага кирим қилиш тартиби ва уларни ҳужжатларда расмийлаштириш.

Маҳаллий бюджет ва муассаса харажатлар сметасини ижроси бўйича харажатлар, даромадлар ҳисоби ва бошқа муомалалар. Махсус маблағлар бўйича ҳисоб муомалалари. Қабул қилиш тартиби харажатлар ва маблағлар ҳисобига қопланадиган маблағлар ҳисоби. Бюджет бўйича ҳисобот ва ўз-ўзини қоплаш маблағлари.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети касса ижросининг банк муассасаларидаги ҳисоби

Давлат бюджети касса ижросини ҳисобини ташкил этиш ва унинг вазифалари\*. Давлат бюджети касса ижросининг банк муассасаларидаги ҳисобини юритишда қўлланиладиган баланс ҳисоблар. Бюджетлар ўртасида даромадларни тақсимлаш ва ҳисобга олиш тартиби. Маҳаллий бюджет маблағларининг ҳисоби. Кредит ва касса харажатларининг аналитик ҳисоби. Банк муассасаларида капитал қўйилмалар ва бошқа тадбирлар бўйича муомалалар ҳисоби. Капитал қўйилмаларни молиялаштириш бўйича банкларда тузиладиган ҳисобот бўйича семинар дарслар ўтказилади ва масалалар ечилади.

### **Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва бюджет муассасаларининг смета харажатлари ижроси тўғрисида ҳисобот**

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси бўйича ҳисоботнинг вазифалари ва аҳамияти.\* Ҳисоботнинг ролини ошириш тадбирлари. Давлат бюджети ижроси ҳақида молия органларида тузиладиган ҳисобот. Бюджет ижроси ҳақида тузилган йиллик ҳисоботларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби бўйича семинар дарслар ўтказилади ва масалалар ечилади.

## **4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ**

Магистрантлар «Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи» фанини ўрганишда турли шаклдаги чизмалар, слайдлар билан таъминланади ва фойдаланишади.

Уларда қуйидаги маълумотлар акс эттирилган:

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ва унинг ташкилий тузилиши, бюджет харажатлари сметаси таркиби, бюджет таснифи, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг тузилиши, бюджет ҳисоботлари турлари, асосий воситалар ва номоддий

активлар ҳисоби, бюджет даромадлари ва харажатлари, меҳнат ҳақи бўйича ҳисоблашишлар, бюджет ҳисобининг счётлар режаси, молиявий ҳисобот шакллари.

Магистрантлар «Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи» фанини ўрганишда ахборот воситаларидан, яъни Интернет тизимидан, жумладан кўйидаги сайт ва электрон почталардан ҳам кенг фойдаланишади:

1. <http://www.apb.org.uk> (Auditing Practices Board)
2. <http://www.nao.gov.uk> (UK National Audit Office)
3. <http://www.iaa.org.uk> (The Institute of Internal Auditors- United Kingdom)
4. <http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee)
5. <http://www.aicpa.org/index.html> (American Institute of Certified Public Accountants)
6. [www.uza.uz](http://www.uza.uz) (Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг турли соҳаларга дойр кундалик янгиликлари)
7. [www.cer.uz](http://www.cer.uz) (Иқтисодий изланишлар маркази)
8. [www.pravo.eastink.uz](http://www.pravo.eastink.uz) (Иқтисодий қонунлар тўплами)
9. [www.referat.uz](http://www.referat.uz) рефератлар тўплами ва бошқалар.

Шунингдек, мамлакатимиздаги чоп этилаётган газета ва журналлардан мутахассисликка доир материаллар олинади. Фан бўйича ўзгаришлар, янгиликлар ва меъёрий ҳужжатлар билан ўқитувчилар таништириб борадилар.

## 1.ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

«Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи» фани иккинчи семестрда ўқитилади. Ўқув жараёни давомида тингловчи тўплаши мумкин бўлган максимал балл 120 га тенг бўлиб, шундан жорий ва оралиқ баҳолашда 120 соат (яъни 120 балл)нинг 70 фоизгача балл тўплаши лозим бўлади. Қолган 30 фоизи якуний баҳолаш жараёнида тўпланади. Ушбу баҳолаш давомида ҳар бир магистрант 30 баллгача тўплаши мумкин. Шундан ҳар бир саволга максимал 8,6 баллдан, минимал 5,4 баллгача кўйилади.

Магистрантларнинг фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турларда амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ);
- оралиқ баҳолаш (ОБ);
- якуний баҳолаш (ЯБ).

ЖБ ҳамда ОБ турлари ва белгиланган баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг 70%) ўқитилаётган фанга масъул бўлган кафедра қарори билан мавзунинг мураккаблиги ва зарурийлигига қараб қуйидаги мезонлар бўйича тақсимланади:

- магистрантнинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича манбаларни конспектлаштириш;
- долзарб мавзуларда рефератлар ёзиш;
- илмий тезис (мақола) лар тайёрлаш, илмий-услубий анжуманларда чиқишлар қилиш;
- илмий адабиёт ва изланиш натижаларига аннотациялар ёзиш;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариш;
- хорижий тилларда чоп этилган адабиётларни таржима қилиш;
- фан бўйича кўргазмали қуролларни тайёрлаш;
- фаннинг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлим ёки қисм бўйича магистрантларнинг назарий билимларини баҳолаш.

ЯБда фан бўйича дастур тўла ўтилгандан сўнг магистрантнинг билими баҳоланади.

ЯБга ажратилган баллар миқдори, ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 30% миқдоридан белгиланади. Барча фанлар бўйича ЯБ босқичи ёзма иш усулида ўтказилади.

Таянч тушунчаларга асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби «Рейтинг тизимининг якуний баҳолаш босқичида «Ёзма иш» усулини татбиқ этиш бўйича Намунавий Низом билан белгиланади».

ОБ ёзма иш ёки бошқа усулларда (оғзаки, тест, ҳимоя ва ҳоказо) ҳам ўтказилиши мумкин.

Деканат (марказ) белгиланган тартибда фан бўйича магистрантнинг ЖБ, ОБ ва ЯБдаги ўзлаштириш кўрсаткичларини таҳлил этиб боради ва уларнинг натижаларини белгиланган шаклдаги қайдномаларда акс эттиради.

Рейтинг натижалари олий таълим муассасасининг Илмий Кенгашида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

Олий таълим муассасаси фанлар учун баҳолаш турларининг ҳар бири бўйича рейтинг балларини ҳисоблаш механизмларини ишлаб чиқади ва услубий кенгашда тасдиқлайди.

Семестр, ўқув йили давомида ўқитилган фан бўйича максималл 55 ва ундан юқори фоизини тўплаган магистрант қониқарли ўқиётган деб ҳисобланади. Фан бўйича максималл баллнинг 55% идан кам балл тўплаган магистрант қониқарсиз ўқиётган (академик қарздор) деб ҳисобланади.

Назорат натижалари ҳар бир магистрантнинг «Бюджет ҳисоби ва ҳисоботи» фанидан билим даражаси, унинг тўплаган баллари билан баҳоланади ва алоҳида ҳужжатда қайд этилади.

Агар магистрант саволларга тўғри ва мураккаб жавоб берса, савол юзасидан келтирилган фактларни мустақил фикрлаб баҳолай олса, бундай ҳолларда унга юқорида белгиланган максимал баллнинг (103-120) 86 % дан 100 % гача «**аъло**» қўйилади.

Агар магистрант саволнинг ҳар бир қиррасини тўлиқ билиб, ўз фикрини мустақил баён этса, зарурий хулоса ва умумлаштиришларни чиқара олса, лекин жавобида айрим ноаниқликларга йўл қўйса, унинг жавоби (85-102) 71% дан 85% гача, яъни «**яхши**» баҳога баҳоланади.

Агар магистрант саволнинг ҳар бир қиррасини ёритишда ноаниқликларга йўл қўйса, унинг жавоби максимал баллнинг (66 - 84) 55%дан 71%гача «**қониқарли**» баҳога баҳоланади.

Агар магистрант саволларга умуман жавоб беролмаса, унинг билим даражаси 55% гача бўлса «қониқарсиз», яъни якуний баҳолашдан ўтмаган ҳисобланади.

## **6. АДАБИЁТЛАР**

### **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети тўғрисида»ги 539-сонли қарори. 1998 йил 31 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни 30 август 1996 йил. // Халқ сўзи, 12 сентябрь 1996 йил.
5. «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февраль 54-сонли Қарори).
6. Ўзбекистон Республикасининг Молия Вазирлигининг 1997 йил 15 январь 5-сонли буйруғи (Йиллик ва ярим йиллик ҳисоботларни тўлдириш тўғрисида).
7. «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» (БҲМС). - Т.: Молия, 1998.
8. Белов А.Н. Бухгалтерский учет в учреждениях непромышленной сферы. -М.: Финансы и статистика, 1995.

9. Белов А.Н. Бухгалтерский учет в учреждениях непроизводственной сферы 2-е изд., перераб и доп. -М.: Финансы и статистика, 1998.
10. Белов В.Н, Селезнева Н. Н, Скобелева И.П. Управление прибылью - СПб. -М.: Приор, 1996.
11. Гриффин Кейт. Социальная политика и экономические преобразования в Узбекистане. Программа развития ООН 1995.
12. Кондраков Н.П Бухгалтерский учет. -М.: Инфра, 1997.
13. Кондраков П.Н, Кондарков И.Н Бухгалтерский учет в бюджетных организациях. М.: Финансы и статистика, 1998.
14. Солиев А., Хўжахонов Х. Ноишлаб чиқариш соҳалари иқтисоди, бухгалтерия ҳисоби ва аудит. -Т.: Мехнат, 1998.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, -Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. «Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари» Ахборотномасининг 2001-2002 йил сонлари (Иловалар билан бирга).
4. Энтони Р., Рис. Дж. Учет: ситуации и примеры» (пер с англ). -М.: Финансы и статистика, 1998.
1. Fremgen F.M. Accounting for managerial Analysis: Third Edition. Richard D. Irwing Inc., Homewood, Illions, 1996.
2. Kenneth M. Morris & Allan M. Siegel. Guide to understanding money & investing. 2000 by lightbulb, press, Inc.
3. Securities Regulation in The Unite States. NASD. Washington - 2000.
4. The Istanbul Stock Exchange In a Historical Perspective. Written by Pfor. Haydar Kazgan / published by ISE. Istanbul, 2000.
5. The Work Of SEC. U.S. Securities and Exchange Commission. - 2001.